Бутун дунё пролетарлари, бирлашингил!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 36 (7. 125) 1990 йил 13 февраль, сешанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

Бугун марказий газеталарда «Инсонпарвар, демократик социализм сари» сарлавҳаси остида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастурининг лойиҳаси эълон қилинган. Лойиҳа КПСС Марказий Комитетининг февраль (1990 йил) Пленумида муҳокама қилинган ва Пленум қатнашчилари билдирган мулоҳазалардан сўнг маъқулланган эди. Партияга, бутун совет халқига муҳокама қилиш учун социализмнинг янги концепцияси ҳавола этилмоқда.

12 февраль куни Кремлда СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев раислигида ўтган СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси, Арманистон ССР Олий Советининг сессияси ҳақида, «Союз ТМ-9» космик кемасининг парвози ҳақида расмий хабарлар босилган.

Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар берилган.

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисидан

БИР РАЙОН МИСОЛИДА

9 февраль куни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Ҳ. Асқаров олиб борган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида Киров районида Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайловларни ўтказишга тайёргарликнинг қандай бораётганлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Шаҳар ижроия комитетининг ташкилий-инструкторлик бўлими ва шаҳар сайлов комиссияси олдиндан райондаги ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқди. Нуфуз хусусиятлари ва аҳолининг сони ҳисобга олиниб, район территориясида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ўтказувчи 8 та, шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи 35 та, халқ депутатлари район Советларига сайловлар ўтказувчи 105 та округ ташкил этилган. Ҳар бир сайлов округида маъмурий бинолар, ўқув муассасалари ва умумтаълим мактаблари базасида унинг маркази тайинланган. Ана шу ерларда зарур жиҳозлар ва телефон алоқаси билан таъминланган алоҳида хоналар ажратилган. Район Совети ижроия комитетида хусусиятлари ҳисобга олиниб ҳар бир сайлов округини таърифловчи барча зарур маълумотлар тўпланган махсус картотека тайёрланган. Районда территорияни ободонлаштириш, объектларни телефонлаштириш, канализация ва ёритиш тармоқларини ўтказиш борасида кенг ҳажмдаги ишлар бажарилган. Масалан, В. Абдуллаев номли, «Юнусобод», «Қизил деҳқон» маҳаллаларидаги кўчалар ва йўлкаларга асфальт ётқизилган, «2-Кисловодск» маҳалласи тўла марказий канализацияга уланган, «Қизил деҳқон» маҳалласида болалар боғи қурилиши бошланган, маҳалла клуби учун хона ажратилган. «1-Отчопар», «2-Отчопар», Жомий номли, «Бодомзор», Улуғбек номли ва бошқа маҳаллалардаги сайловчилар билан учрашувларда ижроия комитети раҳбарлари ўртага ташланган таклифларни амалга ошириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Округ сайлов комиссиялари таркибига вакилларни кўрсатиш белгиланган муддатларда амалга оширилди. Аксарият округ сайлов комиссиялари яхши савияда, сайловлар ҳақидаги Қонун талабларига риоя қилган ҳолда округда ўз амалий фаолиятларини ташкил этиш юзасидан ишларни олиб боришди. Ҳар бир комиссия ўз иш планига эга, комиссия аъзоларининг рўйхатлари, округда навбатчилик графиклари, иш тартиби, чегаралари кўрсатилган округ плани осиб қўйилган. Олинаётган ва жўнатилаётган ҳужжатларни рўйхатга олиш журнали тайёрланган ва тўлдириб бориляпти, комиссиянинг ўтказилган мажлислари протоколлари олиб борилмоқда.

Ҳаммаси бўлиб район бўйича 216 номзод муҳокама қилинган, шулардан Олий Советига 61 номзод, район Советига 131 номзод рўйхатга олинган.

Район Совети ижроия комитети район территориясида Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайловларни ўтказувчи 87 та сайлов участкасини ташкил этган. Район ижроия комитетининг қарори билан 1653 кишидан иборат, яъни ҳар бири 19 кишидан иборат участка сайлов комиссияларининг таркиби тасдиқланган.

Сайловлардан 15 кун авval, 3 февраль куни барча участкаларда сайловчиларнинг рўйхатлари осиб қўйилди. Сайлов участкалари ва округларининг марказларини ташқи безатиш юзасидан тегишли ишлар бажарилди, улар ёзув-чизув қуроллари, қоғоз билан таъминланган, сайлов бюллетенларини тайёрлаш учун босмахонага буюртмалар ўз вақтида берилган.

Шу билан бирга сайлов кампаниясига тайёргарлик ва уни олиб бориш давомида ижроия комитетининг округ сайлов комиссияларига амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишида жиддий камчиликлар ҳам бўлди. Масалан, шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи 39-сайлов округига (марказни 86-мактаб) хона тайёрлаш чўзиб юборилди. 41-сайлов округида (маркази — 271-мактаб) ҳужжатлар ва комиссия аъзоларининг навбатчилиги қониқарсиз олиб борилди. Худди шундай камчиликлар 47-сайлов округида (маркази — 250-мактаб) ҳам аниқланди.

Округ сайлов комиссиялари депутатликка номзодлар кўрсатилишини ташкил этишда меҳнат коллективлари билан, жамоат ташкилотлари билан ишлашга етарли эътибор беришгани йўқ. Шундай ҳоллар ҳам бўлдики, коллективлар номзодлар кўрсатилишини белгиланган муддатларда ўтказишгану, аммо протоколларни округ сайлов комиссияларига ўз вақтида топширишмаган, бу ортиқча сансалорликларни келтириб чиқарган.

Айрим сайлов округларидан депутатликка биттадангина номзод кўрсатилди. Масалан, Олий Советга сайловлар ўтказувчи 8 округдан 6 тасида, шаҳар Советига сайловлар ўтказувчи 35 округдан 23 тасида, район Советига сайловлар ўтказувчи 105 округдан 91 тасида биттадангина номзод кўрсатилди. Бу кўпчилик округларда сайловчилар номзодлар ичидан бирини танлаш имконига эга бўлмайдилар, деган гап.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, айрим округ комиссиялари депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ишларини пишиқ-пухта ташкил этишмаган. Йиғилишларга зарур миқдордаги иштирокчилар тўпланмаганлиги учун уларнинг муддатларини кўчиришга тўғри келди. Айрим ҳолларда округ комиссиялари сайловлар тўғрисидаги Қонуннинг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш борасидаги талабларини нотўғри тушунишган. Шаҳар Советига сайловлар бўйича сайлов бюллетенларининг матнини тасдиқлаш учун рўйхатга олиш протоколларидан кўчирмаларни ўз вақтида тақдим этишмаган, уларда номзодларнинг меҳнат фаолияти, эгаллаб турган лавозими ва уй адреси ҳақидаги ёзувлар қайд этилмаган шаклда қайд этилмаган. Бу газеталарда рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатларини эълон қилиш ва босмахоналарда бюллетенларни чоп этиш учун материалларни тайёрлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Район Советининг ижроия комитети томонидан босмахона усули билан ахборот варақаларини чоп этиш ва уларни округ территориясида тарқатиш мақсадида матбуот группасининг халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни умумлаштириш борасидаги иши бўш ташкил этилди. Ўзбек ва рус тилидаги таржимаи ҳоллар матнининг 50 фоиздан сал кўпигина тўғри ёзилган.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар билан сайловчиларнинг йиғилишларини ўтказишда ҳам камчиликлар бор. Номзодларнинг меҳнат коллективларидаги учрашувлари, олий ўқув юртларида, техникум ва мактабларда талабалар ва ўқувчилар билан учрашувлари кам ўтказилмоқда.

Сайловчилардан наказ сифатида олинган 104 таклифдан атиги 8 таси тасдиқланди, бу аслини олганда 52 учрашувда сайловчиларнинг бирорта ҳам накази берилмаган, деган гап. Участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчилик вазифаларини бажаришга ҳамиша ҳам сидқидилдан ёндошишмаяпти.

Қабул қилинган қарорда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Киров район ижроия комитетига йўл қўйилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этишни, участка сайлов комиссиялари аъзоларига йўл-йўриқлар берилишига, уларни сайловлар тўғрисидаги қонунда баён этилган ҳуқуқлар ва вазифалар билан таништириб боришга эътибор беришни топширди.

Халқ депутатлари район Советларининг барча ижроия комитетларига сайлов округлари ва сайлов участкаларининг марказлари территориясида зарур тартиб ўрнатилишини таъминлаш, санитария озодалиги ва ободонлаштириш борасидаги тадбирларни бажариш таклиф этилди. Улар сайлов комиссияларига депутатликка номзодлар билан учрашувларни ўтказишда, умумхалқ эътиборига ҳавола қилинган сайловчиларнинг рўйхатларини солиштиришда амалий ёрдам беришлари керак.

Шунингдек, район ижроия комитетларига сайловлар кунига қадар овоз бериш кабиналари, сайлов қутилари, муҳрлар ва пломбалар тайёр бўлишини, пухта телефон алоқаси ўрнатилишини таъминлаш, округ ва участка сайлов комиссияларини зарур транспорт билан таъминлаш топширилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.



СИФАТ НАЗОРАТЧИСИ. «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-филиали техника назорати бўлимининг жонкуяр назоратчиси Шаҳло Ғуломова.

Т. Каримов сурати.

Бинокорлар кўмакдошлари

КУЙБИШЕВ районидаги алоқа тармоғининг 77-почта бўлими хизматчилари «Строитель-2» кооперативи ишчиларидан бешак миннатдор. Қурувчилар қисқа вақт ичида почта бўлими биносини қайтадан тиклаб фойдаланишга топширдилар. Капитал ремонт ишлари талаб даражасида бажарилди.

— Ярим йил илгари деворлари нураб кетган бу бинони кўрган киши ҳозир таниёлмаслиги аниқ. Мен ҳам бу даражада кўркам биноga эга бўлишимизга ишонмаган эдим, — дейди почта хизматчиси Т. Пашкова, дид билан безатилган деворлардаги расмларни томоша қилаётганимизни кўриб. — Пол тахталари ҳам чириб кетган эди. Энди эса ўзингиз кўриб тургандек ҳаммаёқда мармартошлар ётқизилган. Бемалол хавфсирамай юриш мумкин.

— Сувни айтмайсизми! — суҳбатга қўшилди янги келган газета ва журналларни токчаларга жойлаётган М. Тўраева. — Ҳатто қўл ювишга совуқ сув ҳам йўқ эди. Сантехниклар дам олиш хоналарига қувур ўтказишди. Энди кранлардан совуқ сув ҳам оқиб турибди. Энг муҳими, батареялар ўрнатилди. Хоналар иссиқ. Ишлаш учун барча шарт-шароит мавжуд.

— Кооперативимиз уч бригададан иборат. Бу объектда М. Солнцев бригадаси ишлаган, — дейди кооператив раиси В. А. Булатов. — Айниқса, дурадгор Н. Чернов, пардозловчи А. Ҳакимов, сувоқчи Р. Еникеевлар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Улар пардозлаш ишларини сифатли бажаришган.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда «Строитель-2» кооперативи «Совпластитал» — Совет — Италия корхонаси биноснинг қуришга киришди.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

Янгиликлар — Воқеалар — Хушхабарлар

ҚАДИМИЙ КАРВОН ЙЎЛИДАН

БУЮК ипак йўли халқаро туризм маршрути катта илмий аҳамият касб этмоқда. Бу эса қадимий карвон йўли бўйлаб ўтказиладиган саёҳатлар учун ҳам қизиқарли тадбир бўлиб хизмат қилади, албатта. Шу сабабли ЮНЕСКО экспедиция уюштиришни режалаштирди.

Бу экспедиция «Буюк ипак йўли» маршрутини аниқлаб бериш мақсадида ўтказилиб, кўплаб тарихий маълумотларни тўплаш имконини беради. Кўп кунлик бундай экспедицияда жумҳуриятимизда г и қатор олий ўқув юртлари ўқитувчи ва студентлари ҳам фаол иштирок этадилар. Жумладан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти табиий ипак технологияси кафедраси йўли билан уюштириладиган махсус экспедициядан ҳам кўп нарса кутилмоқда.

Кафедра ёшлар илмий экспедициясини тузишга киришди. «Буюк ипак йўли»нинг Ўрта Осиё бўйлаб давом этган маршрутини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу билан бирга халқларнинг миллий урф-одатлари, кўп йиллик анъаналари ўрганилиб, кишилар ўртасида қарор топган азалий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига доир қимматли маълумотлар тўпланади.

Илмий экспедицияни ёзги таътил даврида уюштириш кўзда тутилди. Бу кузатиш ишлари Тошкентдан бошланиб Ленинобод, Қўқон, Наманган, Андижон каби шаҳарлар бўйлаб давом эттирилди.

А. АЛИЕВ.

БОЗОР — ОСТОНА ОСТИДА

Акмал Икромов районидаги Янгиобод, Акмал Икромов, Ғафур Ғулом номли ва Учтепа маҳаллалари аҳолиси кундалик харид моллари учун анча узоқдаги «Фарҳод» ёки «Кўкча» бозорларига қатнаб, қийналишарди. Энди бунга барҳам берилди. Аҳоли талабистаклари инобатга олиниб «Бирлик» бекатида «Фарҳод» бозорининг филиали қуриб фойдаланишга топширилди.

Д. ОБЛАЕВ.

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

ИНДИНГА — 15 февраль куни байналмиладчи - жангчиларнинг сўнгги бўлинмалари Афғонистон ҳудудидан чиқиб кетганига бир йил тўлади. Шунга бағишлаб шу куни «Юбилей» спорт саройида катта хайрия концерти бўлиб ўтади. Концертда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Аҳмаджон Шукуров, Маҳмуджон Азимов, таниқли хонанда Юлдуз Усмонова ҳамда «Каскад» вокал чолғу ансамбли иштирок этади.

Хайрия кечасидан тушган маблағ Тошкент вилоят турар жой ижтимоий банкининг 006700006 ҳисобига ўтказилади. У афғон тупроғидан ногирон бўлиб қайтган байналмиладчи-жангчи л а р учун протез маркази очишга сарфланади.

Билетларни харид қилиш мақсадида район комсомол комитетларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ғалабанинг 45 йиллигига

ҚАЙДАСИЗ, ҚУРОЛДОШЛАР!

Улуғ Ватан уруши йиллари ўзбек халқининг ташаббуси билан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Усмон Юсупович Юсуповнинг шахсан раҳбарлиги остида 1941—42-йилларда умумдавлат сафарбарлигидан ташқари, республиканинг ички ресурслари ҳисобидан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон ва Фарғонада, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Хоразм, Пскент, Қўқон, Ленинск, Шофиркон ва Каттақўрғонда қўшимча олтита ўзбек отлиқ дивизиялари ва тўққизта ўзбек ўқчи бригадалари тузилган эди. Қисқа тайёргарликдан сўнг улар Ватанимизни немис-фашист босқинчиларидан ҳимоя қилиш учун ҳаракатдаги Армияга жўнатилар эди.

Уруш ветеранлари совет комитетининг Тошкент секцияси Буюк Ғалабанинг 45 йиллик юбилей санасини ўтказишга доир ташкилий тадбирларни қабул қилиш учун юқорида айтиб ўтилган ўзбек отлиқ дивизиялари ва ўзбек отлиқ ўқчи бригадаларида хизмат қилган, Ватан уруши фронтларида қатнашган жангчилардан қуйидаги маълумотларни ҳабар қилишларини сўрайди: фамилияси, исми, отасининг исми, қаердан, қандай қисмларга чақирилган, қайси фронтларда, қайси қисмлар ва бирлашмалар сафида жанг қилган, уй адреси.

Бизнинг адрес: 700024, Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5. Уруш ветеранлари совет комитетининг Тошкент секцияси.





Шифо маскани кўчди

Куйбишев районининг 9-стоматология поликлиникаси 3-Қорасув массивидаги 40-уйга кўчиб ўтди. Шуни айтиш керакки, мазкур бино намунали лойиҳа бўйича қурилган бўлиб, ҳозирча шаҳарда яккаю ягона ҳисобланади. Уни 4-трест 9-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари атиги бир йилда тикладилар.

Янги поликлиника энг замонавий табобат ускуналари — ГДР ва Болгариядан олинган тиш даволаш машиналари, лазер қурилмалари билан жиҳозланган, Шу ерда огриқсизлантириш усуллари ва воситалари билан даволаш бўлими ҳам мавжуд.

Поликлиника беморларни қабул қилишни бошлади, — деб ҳикоя қилади бош врач М. К. Садриддинов. — Геологическая кўчасидаги 22-уйда қолган филиали билан бирга унда 200 нафар медицина ходими, шу жумладан 90 нафар стоматолог врач меҳнат қилмоқда.

Даволаш муассасасининг ёнида бир кунда 600 беморни қабул қиладиган 36-поликлиника биноси ҳам бунёд этилмоқда.

СУРАТЛАРДА: поликлиника янги биносининг умумий кўриниши; жарроҳлик бўлимининг операция хонасида.

Р. Шарипов суратлари.

ҚАНДОЛАТЧИ МУТАХАССИСЛАР ТАКЛИФИ

Тошкентдаги «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикасининг мутахассислари конфетлар тайёрлашда ноанъанавий хом ашё турларидан фойдаланишни таклиф қилишди. Масалан, янги «Нилуфар» конфетига лавлаги қиёми қўшилса, бундай конфетларнинг таъми ва ҳиди ёқимли бўлиб, витаминлар билан бойийди.

Бу йилнинг яна бир янгилиги — сабзи қиёми конфетларга ўзига хос таъм бериб, уларнинг биологик хусусиятларини оширади. Бундай қўшимчалар конфетларга юқорида айтилган хусусиятларни беришдан ташқари, яна ҳозирча танқис бўлиб турган қуюлтирилган сутни тежаш имконини ҳам яратади. Конфетларнинг тўйимлилиги эса бунинг натижасида камайиб қолмайди, аксинча — ошади.

Олимлар ҳамдўстлиги

Корея Халқ-Демократик Республикаси жамиятшунос олимлари делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бир қанча илмий-тадқиқот институтлари билан танишдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Корея Халқ-Демократик Республикаси Ижтимоий фанлар академияси ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш муддаоси тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

Шимолий Корея вакиллари чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида қабул қилиндилар, улар Ўзбекистонда яшовчи корейсларнинг турмуш билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН 24 СОАТ ЧИДА

СОФИЯ. БХР пойтахтида бўлиб ўтган мажлисда ҳозирги босқичда Болгария Коммунистик партияси олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифалар муҳокама қилинди. Мажлисда партия Олий Кенгаши ва БКП парламент группасининг аъзолари, партия фаоллари иштирок этишди. БКП партия Олий Кенгаши Президиумининг Раиси Александр Лилов «Партияни янгилаш ва парламент сайловига тайёргарлик — БКП навбатдан ташқари XIV съезди қарорларини амалга оширишнинг ягона жараёни» мавзусида доклад қилди.

ХАРАРЕ. Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси раҳбари Нельсон Мандела мамлакатнинг барча гражданларини апартеидга қарши курашни кучайтиришга даъват этди. Жанубий африкаликларнинг аксарияти бу системанинг истиқболи йўқлигини ва у тинчлик, хавфсизлик ва демократияни қарор топтириш учун қилинган биргаликдаги қатъий ҳаракатлар йўли билан тугатилиши лозимлигини англаб етди, деб таъкидлади Н. Мандела Кейптаунда бўлиб ўтган жуда катта митингда. 27 йилдан кўпроқ умрини қамоқда ўтказган озодлик учун мард курашчини қутлаш учун шаҳар марказидаги муниципалитет олдида 60 мингдан зиёд одам тўпланди.

БОННН. ГФРнинг таниқли сиёсат арбоблари Нельсон Мандела озод қилинганлигини қутлаяпти. У ғайриинсоний апартеид системасига қарши зўравонликсиз курашнинг тимсоли бўлиб қолди, деб таъкидлади бу ерда тарқатилган баёнотда ГФР ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншер. Манделанинг озод қилинишини Г.-Д. Геншер ҲАРдаги миллий мулоқот йўлидаги ҳал қилувчи қадам, деб ҳисобламоқда. ГФР ҳукумати бу мулоқотни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беради ва бошқа сиёсий тутқунларни озод этиш ҳамда фавқулодда ҳолатни тўла бекор қилиш уни ўтказишнинг зарур шарти деб ҳисоблайди, деб таъкидлади министр.

ОТТАВА. Канада пойтахти яқин кунларда жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида бўлади. Бу ерда «Очиқ осмон» мавзуига бағишланган конференция иш бошлади. Унинг мақсади — ўз осмонларини бир-бирлари учун очиб беришга рози бўлган мамлакатларда фазо назорати механизмини яратиб, Шарқ билан Ғарб ўртасида мустаҳкамланиб бораётган ишонч жараёнига сифат жиҳатдан янги мезон бахш этишдир.

ЖАҲОН 24 СОАТ ЧИДА

⊙ «Бу воқеа уруш йиллари бўлган эди. Германияга яқин ерлардаги қаттиқ жангларнинг бирида мен билан бирга уч йил давомида жанг қилган, бирга партия сафига ўтган дўстим оғир яраланди. Ўқ унинг нақ кўкрагидан тешиб ўтибди. Дўстимни кўтариб жангдан ҳолироқ жойга олиб бордим. Оғриқдан ниграб, кўзлари юмилар, нималардир демоқчи бўлардн. Мажолсиз қўлларн билан гимнастёркасининг чўнтагидан партия билетнини олдн. Ўқ тешиб ўтган, қип-қизил қонга беланган билетнн кўзларига суртдн, қайта-қайта ўпиб, менга узатдн. Оғир хўрсниб: «Дўстим, жасадим ўзга юртларда қоляпти, шу омонатни снзга топшираман, бирдан бир эътиқодим партия билетнин ўз юртимизга олиб кетнг» дея менга узатдн...

Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветерани А. ФОЗИЛОВ хотирасидан».

Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-цехида 1988 йил октябрь ойидан 1989 йил охиригача 11 нафар коммунист партия сафидан чиқарилди. Уларнинг аксарияти ана шу заводнинг ўзида партия ташкилотига ариза бериб, коммунист шарафига муяссар бўлишган. Бугунги кунда улар ўзлари виждонан аъзо бўлган ташкилотдан алоқани уздилар. Улардан бири Юрий Александрович Ерёмкин 13 йил давомида партия сафида бўлган. У 1988 йил аъзолик бадалини тўлашни тўхтатиб, партия ташкилоти билан алоқани буткул узади.

— Мен партия сафига ўз ихтиёрим билан кирган эдим, — деди у. — Ўз ихтиёрим билан чиқдим.

— Нима сабабдан шу қарорга келдингиз?

— Биз кўп йиллар давомида бирлашмада олға бораётибмиз, ҳаммадан яхши яшаяпмиз, деб жар солдик. Амалда эса юқори партия ташкилотларидаги аппарат ходимлари ва раҳбарлари айбдор деб ҳисоблайман. Назаримда ишлаб чиқаришда иштирок этадиган коммунистлардан кўра столда ўтириб буйруқ берадиганлар кўпайиб кетган. Албатта, улар аъзолик бадали ҳисобига маош олишади. Нима учун мен уларни боқишим керак.

— Бунинг учун партия айбдор деб, ҳисоблайсизми?

— Йўқ, ҳозир ҳам, кейин ҳам Коммунистик партияга ҳурматим юқори бўлади. Фақат, турли хил кераксиз, истиқболсиз нарсаларни ўйлаб чиқарадиган, қоғозбозлик учун хизмат қиладиганларни боқишдан бош тортдим.

Бу цех ўтган йилдан бошлаб кооператив усулда ишлашга ўтганди. Меҳнат унумдорлиги ва ишчиларнинг маоши 25—30 фоизга ошди. Агар шу суммадан аъзолик бадалини бир йиллик миқдори ҳисоблаб чиқилса 180—200 сўмни ташкил этади. Айрим ишчилар эса йил давомида 300 сўмгача бадал тўлайдилар. Тузукроқ лавозимдаги партия ходимининг бир ойлик маошига тенг.

В. Гришин шу цехнинг илғор ишчиларидан. У 1967 йилдан бери КПСС аъзоси. Металл тобловчи вазифасида ишлайди. Уни ҳам суҳбатга тортдик.

— Ҳамкасбларингиз тутган йўлни қандай баҳолайсиз?

— Ҳар ким ўз виждонининг буюрганини қилади. Мен уларни қораламоқчи ёки тўғри қилдилар, деб мақтамоқчи эмасман. Партия сафидан чиқиб кетаётганлар фақат бизнинг корхонамиздагина рўй бераётгани йўқ. Бу ҳаммага маълум. Кўпчилик матбуот нашрлари, телевидение ва радиода тез-тез партиянинг обрўси тушиб кетяпти, деган сўзлар қулоққа чалиняпти. Партиянинг обрўсини коммунистлар кўтаради, афсуски, пастга ҳам туширадиганлар коммунистлардир. Менимча, биз партиянинг қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги Ленин белгилаб берган йўлдан анча узоқлашиб кетдик. Партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш учун, ҳатто ҳаммом директорлигига ҳам коммунистларни тиқиштиришди. Турғунлик йилларида партия аъзоларининг сони биринчи ўринга чиқди. Ҳисобот йиғилишида қайси ташкилотдан партия сафига кўп қабул этилса, ўша ташкилот энг зўр мақтовларга сазовор бўларди. Янада ачинарлиси малакали, маълумотли мутахассисларнинг омади борларигина партияга ўтиб қолардилар.

Шуниси ажабланарлики, ҳатто автобус ўз вақтида келмаса ҳам, одамлар партияни айблайдиган бўлиб қолишди. Ўз номини улуғ қилиб кўрсатмоқчи, партияни ўз манфаати йўлида хизмат қилдирмоқчи бўлганларнинг касри туфайли Октябрь революцияси, янги турмуш, жамият қуришда раҳнамо бўлган партия маломатга қолди.

«Виктория» кооперативининг ишчиси Фахриддин Низомов ҳам партия сафидан чиқиш истаги борлигини айтди. Сабабини сўраганимизда, у шундай деди.

— Инсон ҳаётида бирор нарсага эътиқод қилади. Унга суянади, таянади, эргашади, ундан мадад олади. Менинг назаримда, Коммунистик партия ана шундай эътиқодга лойиқ эди. Кўп йиллар орзу қилган мақсадимга эришиб, 1987 йили партия аъзолигига қабул қилиндим. Қайта қуриш туфайли кўп нарса ўзгаряпти, албатта партияда ҳам хайрли ўзгаришлар бўлади, деган умидим бор эди. Ҳаётда, жамиятдаги ноҳакликларни кўриб партиядан ихлосим қайта бошлади. Айниқса, Фарғонадаги воқеалардан кейин, аниқроғи у ердаги ноҳақликлар очиб ташлангандан кейин, кўнглим яна бир марта совиди.

Мен ишлаётган кооперативнинг цех партия ташкилоти фаолияти бугунги кун талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. Ўтган йилги партия группалари ҳисобот-сайлов йиғилишида қатнаша олмаганман. Бироқ, мени шу группа ташкилотига раҳбар этиб тайинлашибди.

— Партия комитетининг фаолияти сизни қониқтирадими?

— Бирлашма партия комитети раҳбарлари, унинг аъзолари билан кўп мулоқотда бўлган эмасман. Бироқ, ишчилар номидан илтимос ва талаб қилинган масалаларни ижобий ҳал этиб беришган.

— Цех партия ташкилотидаги нуқсонларнинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Ишчилар билан алоқа йўқолган. Уларга ёрдам бермайди, дардига қулоқ солмайди. Бирор марта коммунистни ҳимоя қилганини кўрмаганман.

— Бирлашма партия комитети зарур пайтда кўмак бериби, дардингизни айтиб, мадад сўрамайсизми?

— Мен бирлашма миқёсидаги эмас, умуман жамиятдаги ноҳакликлар учун партиядан чиқмоқчиман...

Ўз шахсий фикрларини баён этган бу суҳбатда, баъзилар фақат бадал тўлашдан бошқа иш қилмаётганини айтса, баъзилари мамлакатни шу аҳволга олиб келган коммунистлар деб таъна қилишларига чидай олмадим, дейди. Лекин уларнинг бирортаси партиядан ёмонлик кўрдим, деб айтмади. Иродасизлик қилганини яширмаганлар ҳам бўлди.

— Нима учун атайлаб аъзолик бадалини тўламасдан, партиядан алоқангизни уздингиз? Коммунистлар сафидан чиқдингиз?

— Мен пораҳўр, товламачи, кўзбўямачилар билан бир партияда бўлмайман.

— Сиз, барча коммунистларни шундай деб ҳисоблайсизми?

— Йўқ, айримларини.

— Сизнингча, улар кўпчиликни ташкил қиладими?

— Йўқ, бир ҳовуч.

— Бир ҳовуч пораҳўр, товламачи, яъни партияга номуносиб кишиларни деб коммунистликдан воз кечдингизми? Бурга аччиқ қилиб, кўрпа куйдиряпсизми?

— ...

Аммо таъкидлаш зарурки, бирлашмада узоқ йиллар ишлаган коммунистлар, партиянинг содиқ аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида С. А. Хисльникова, Э. М. Мирзаев, П. М. Алахвердян, В. Мирҳомидов, Г. П. Панова ва бошқалар бор. Жалил Розиқов корхонанинг ветеран ишчиларидан. 1959 йилдан бери КПСС аъзоси. Ўзининг ҳалол ва самарали меҳнатлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. У 20 йилдан бери цех партия ташкилотини бошқаради.

— Яқинда бир йигит келиб, —деди Ж. Розиқов биз билан суҳбатда, — партия сафига ўтмоқчиман, ёрдам беринг, деди. Мен ундан нима сабабдан партия сафига ўтмоқчисан, деб сўраганимда у менга квартира, машина олмоқчиман, асқотар, деб жавоб берди. Қаранг, одамлар қандайдир енгиллик олиш, ўз манфаати йўлида фойдаланиш учун партия аъзоси бўлиш керак, деб тушунадилар. Бунга ҳам бирор асос бор, албатта. Яқин йилларгача, балки ҳозир ҳам бордир, ҳамма корхона, цех раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари партия аъзолари бўлишган. Депутатларнинг кўпчилиги коммунистлар эди. Партияга ўтишни раҳбарлик пиллапоясига қадам қўйиш, деб ҳисоблашарди.

Партия аъзоси, бу ҳар ишда, ҳамма жабҳада илғор, ташаббускор демакдир. Унинг ҳуқуқи ва вазифаси шундан иборат. Қайта қуриш ва инқилобий ўзгаришларни партия бошлади. Кўриниб турибдики, бу ўзгаришлар жуда секин амалга ошяпти. Албатта, бундан эсанкираб, вақимага тушмасдан, ғайрат билан ишлаш, кўмаклашиш керак. Қайта қуришни бошқа сайёрадан бироз келиб амалга оширмайди-ку!

Корхона партия комитетининг котиби К. Бегалиев: — Мен иш бошлаган пайтда ҳар бир цехда 2—3 нафардан коммунист 5—6 бало аъзолик бадалини тўламасдан юрган экан. Лекин кўпчилигига ҳеч қандай чора кўрилмаган. Комитет аъзоларидан икки-уч нафари билан бирга ҳар бир цех партия ташкилотининг фаолиятини урганиб чиқдик. Комитет йиғилишида барча цех партия ташкилоти бюро котибларига биринчи галда, ана шу партия аъзоларининг шахсий фаолиятини кўрио чиқишни топширдик. Маълумки, КПСС Низомига мувофиқ уч ой давомида аъзолик бадалини тўламаган ва партия ташкилоти билан алоқани узган коммунист партия сафидан чиққан ҳисобланади. Ана шу асосда биз бирин-кетин Низом талабини бажармаганларни партия сафидан чиқара бошладик. Уларнинг деярли ҳаммаси билан комитет йиғилишида ва яккамаякка суҳбат ўтказдик. Деярли уларнинг кўпчилиги турғунлик даврида, кўрсатма асосида, режани бажариш учун партия сафига қабул қилинган. Мен ўтмишдош котибларнинг ишини қораламоқчи эмасман. Бироқ, ташкилотда кўп ишлар қоғозбозлик учун қилингани кўриниб турарди. Айниқса, цех партия ташкилотларида коммунистлар билан тузукроқ иш олиб борилмаган, биргаликдаги аниқ тадбирлар белгиланмаган. Натижада, партия аъзолари бадал тўлашдан нарига ўтишмаган.

Яна бир томони кўп йиллар давомида бирлашма иқтисодиёти анча қийин аҳволга келиб қолди. Асосий маҳсулот қолиб, хом ашё тайёрлаш биринчи ўринга чиққан. Умуман йиллик режа плани маҳсулот турлари ҳисобига эмас, бир-икки хил сим ҳажмини кўпайтириш йўли билан бажарилган. Шартномаларнинг бажарилмаслиги, бир томонлама ўсиш бирлашмани инқирозга олиб келган. Турган гап, маош пасайиб, ишчилар қўнимсизлиги авж олган, партия ташкилотларининг суст фаолияти эса бунинг олдини олишга қурби етмаган. Коммунистлар назарида партия ва унинг ташкилотига бўлган ишонч йўқола бошлаган. Мен ҳозирги кунда комитетимиз фаолияти жуда яхшиланиб кетди, ҳамма ишни қайта қиляпмиз, демоқчи эмасман. Камчиликларимиз кўп. Комитет олдида кўп ишлар турибди. Цех партия ташкилотларининг олиб бораётган ишларида ҳам нуқсонлар бор. Цехларимиз гарчи кооперативларга бўлиниб, алоҳида ишлаб чиқариш корхонаси сифатида ташкил этилган бўлсада, партия ташкилотлари ғоявий-тарбиявий ишларни чуқур олиб боришда комитетга ва коммунистларга ҳисоб берадилар. Тасарруфимиздаги бу цех бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш борасида бир қатор ишларни олиб боряпмиз. Мажлисларни ўз вақтида ўтказиш, кўтарилган муаммоларни ўрганиш ва қарорларнинг бажарилишини назорат остига олганмиз.

1989 йил давомида 9 нафар ишчини КПСС аъзолигига ва аъзоликка номзодликка қабул қилдик. Тажриба тариқасида қўлланилаётган номзодликка қабул қилиш усули натижалари ёмон эмас. Энди илгариги қабул усули барҳам топди. Партия аъзолигига номзодликка ўтиш учун ариза берганлар очиқ партия йиғилишида, ҳамкасблари олдида савол-жавобдан ўтади. Қабул қилишда эса айнан цех ишчиларининг мутлақ кўпчилиги билдирган фикр ҳисобга олинади.

Ҳозирги демократия ва ошкоралик шароитида айрим ишлар ҳамон сирлигича қоляпти. Коммунистларнинг аъзолик бадаллари қаерга ва нима мақсадда сарфланаётгани тўла маълум эмас. Бирлашмамиз цехлари кооперативга ўтгандан кейин ишчиларнинг маоши анча ошди. Коммунистларимизнинг айримлари 18—20 сўмдан бадал тўлаяптилар. Албатта кўпчилик қизиқади, сўрайди, жавоб олишга интилишади, лекин бундай саволга аниқ жавоб йўқ.

Айтиб ўтганимдай, илгари партия сафига қабул қилишда кўп нуқсонлар бўлган. Иродали, эътиқодли, ташаббускор кишилар қолиб, фақат рўйхатни тўлдириб бадал тўлашга ярайдиганлар партияга кириб қолган. Ундайлар ҳозир мамлакатда рўй бераётган қийинчиликлардан эсанкираб қоляптилар.

МУХБИР ШАРҲИ:

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида коммунистнинг жамиятдаги роли КПСС Марказий Комитетининг яқинда ўз ишини тугаллаган Пленумида марказий ўринни эгаллади, дейиш мумкин. Партия аъзолари барча соҳаларда фаол ва самарали иш олиб боришлари керак, деб таъкидланди Пленумда. Умуман биз кучларни жипслаштириб, қайта гуруҳлаб, қайта қуришни ва амалий ишларни қатъият билан олға силжитишимиз лозим.

Партия сўзини оддийроқ тушунтирилса, бу сиёсий ташкилот. У кишиларни бирлаштириб, бир мақсад сари йўналтиради. бошлаб боради. Унинг Уставн ва Дастури мавжуд. Партиянинг жамиятдаги ўрнини унга аъзо бўлган коммунистларнинг фаолияти белгилайди.

Партияга қабул қилинглар деб, ўз қўлимиз билан ариза ёзганмиз. Мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий қийинчиликларни бошдан кечираётган пайтда унга ҳамдам бўлиш ҳам виждонй, ҳам фуқаролик бурчимиз. Турли важ-карсонларни рўкач қилиб, партиянинг обрўсига путур етадиган ишларга берилмасдан, ишлаб чиқаришда, мафкурада, умуман жамиятда олдинги сафда бўлишнинг айни вақти. Коммунистик партиямиз, унинг эътиқодли маслакдошлари, виждонли, днёнатли партия аъзолари Октябрь инқилоби, социалистик қурилиш йилларн, Улуғ Ватан урушн йилларида синовлардан муваффақиятли ўтганлар партиянинг обрўсини жаҳоншумул аҳамият касб этишга эришганлар. Ҳақиқий коммунистлар ҳозир ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларга эргашайлик, амалий ишимиз, юксак эътиқодимиз билан қайта қуриш ва инқилобий ўзгаришларнинг ғалабаси учун коммунистчасига ғайрат билан ҳисса қўшайлик.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

ЭЪТИҚОДДАН НЕГА КЕЧЯПСИЗ?



⊙ ЁШ ИШЧИ. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Маҳфуза Ермуҳамедова.

Х. Мирзакаримов сурати.



⊙ ТАЖРИБАЛИ ТОКАРЬ. Октябрь инқилоби номидаги тепловоз ремонти заводининг ишчиси Михаил Александрович Сергеев.

А. Таматаев сурати.


ЯНГИ МОСЛАМА

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти мутахассисларининг ишланмаси ғўзаларни чеканка қилишни тезлаштириш имконини беради. Коллектив А. Муҳаммадиев ва Т. Байзаков бошчилигида тўрт қаторли электр чеканка мосламасини яратди.

Мослама ғўзанинг бутун юқори қисмини чеканкалаш имконини беради. Бунда ўсимликка электр токи билан кучсиз таъсир ўтказилади, бу эса кўсакларнинг жадал очилишини барқарорлаштиради. Мазкур қурилмадан дефолиация ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, янгиликнинг жорий этилиши деққонларга ҳар гектар ердан йилига 190 сўмдан маблағни тежаш имконини беради.

(ЎзТАГ).



ЖУРЪАТ— ЭҲТИЁЖ

«КИМЛАР халқ депутатлигига сайланишини хоҳлардингиз?» деган саволга «Жўратли одамларни», деб жавоб берган бўлардим. Ўйлайманки, мени қўллаб-қувватловчилар кўплаб топилади. Мамлакат, жумҳуриятимиз, вилоятлар, шаҳарлар ва қишлоқлар миқёсида узоқ йиллардан бери тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий муаммоларни ҳал этишни нуфузли анжуманларда муҳокамага қўядиган, умумманфаати йўлида ҳузур-ҳаловатдан воз кечадиган, ҳаётда ўз ўрнини, ўз нуқтаи назарини, қадр-қиммат ва обрў топган халқ фарзандлари — жўратли одамлар депутат бўлса қандай яхши!..

221-Чилонзор сайлов округидан Тошкент шаҳар Совети халқ депутатлигига номзоди кўрсатилган Шоди Каримовни ҳам шундай одам сифатида биламан. Бунга далиллар келтиришим мумкин.

У ўттиз йилдан бери Тошкент халқ хўжалиги институтида талабаларга сабоқ беради. Олий мактаб талабаларининг тарбия йўналишлари бўйича қўша-қўша китоблар ёзган. Ёш элликдан ошган, ишга тинч келибкетиб, ҳузур-ҳаловатни ўйлайдиган пайт эди. Шундай бўлдики, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги қайта қуриш, ошкоралик ва демократия ўз жарчиларини — жўратли одамларни фаолликка ундади. Узоқ йиллар кўнгилларда мадда бойлаб ётган яралар бирин-кетин ёрила бошлади. Лекин лоқайдликка занжирлари билан кишанланган кишилар карахтлик уйқусидан уйғонишн қийин кўчди...

Шоди Каримов сўнгги икки йил ичида ижтимоий-иқтисодий, миллий ва миллатлараро муносабатлар, тил муаммоларини адолатли ҳал этишга бағишланган 30 дан кўпроқ катта-кичик мақолалар эълон қилди. Муаллиф бир мақоласини «Куч бирликда, қудрат дўстликда» деб номлаган эди. Дарҳақиқат, миллатларнинг ўзаро тенглиги ва том маънодаги байналмилалчилиги асосига қурилган ДЎСТЛИК кучли ва қудратлидир.

Шоди Каримов «Шарқ юлдузи» журнали, «Совет Узбекистони», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Правда Востока», «Ёш ленинчи», «Тошкент ҳақиқати» каби рўзномаларда босилган мақолаларида Тил тўғрисидаги, «ЎзССР Олий Совети депутатлар сайлови», «ЎзССР Конституцияси (Асосий Қонун)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «ЎзССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари юзасидан жўяли фикр ва мулоҳазалар баён қилди.

Депутатликка номзоднинг сайловолди ҳаракат дастури Тошкент шаҳрининг экологик муҳити бузилган. Пойтахтда ишсизлар сони ортиб бормоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Шу пайтгача корхона учун ишчилар маҳаллий аҳолидан тайёрланмасдан, балки четдан чақириларди. Бу ҳол ижтимоий-иқтисодий тангликлар арқонини янада таранглаштирарди. Шаҳар меъморчилигида ота-боболар қўллаган Шарқ меъморчилик санъатидан фойдаланиш, боғ ва хиёбонлар, кўчаларнинг қадимий номларини тиклаш йўлидан борсак қадриятларимизни сақлаб қоламиз. Маҳалла тузилмаларининг мавқеини кўтариш орқали майда жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин. Раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, хайр-эҳсон каби қадриятларни шаҳарликлар руҳига қайтаришимиз керак!

— Жумҳуриятимизда ижтимоий-иқтисодий жабҳалар билан бир қаторда маданий-маърифий жараёнга, таълим ва тарбия ишларига мустақиллик бермас эканмиз, бу соҳада бирор натижага эришиш қийин, — дейди Ш. Каримов. — Узбекистонда 44 та олий ўқув юрти бўлиб, уларда 308 минг талаба таҳсил кўради. Талаба, ўқувчи ҳар бир халқнинг фахри, келажаги. Афсуски, жумҳуриятимизнинг навқирон авлоди дунёвий билимларни ўзлаштиришда, айниқса, ўз халқининг тарихи ва маданиятидан бахраманд бўлишда орқада қолган. Бунинг устига сабоқ усуллари ибтидоий аҳволда.

Ёшларга таълим-тарбия беришни ўз ҳаётининг маъноси деб билган Шоди Каримов сайловолди ҳаракат дастурида ўзи ишлайдиган Тошкент халқ хўжалиги институти ўқув-техника таъминотини яхшилаш, талабаларни ётоқхона билан тўла таъминлаш, медицина, спорт-соғломлаштириш хизматини яхшилаш, кам даромадли оилалар фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиш муаммолари ҳам акс этган.

Журъат — қалб эҳтиёжи. Ишончим комилки, Шоди Каримов депутатликка сайланса, шаҳар фуқароларини ташвишга солиб турган муаммоларни нуфузли анжуманлар муҳокамасига олиб чиқиш учун ўзида журъат топа олади.

Ғулом ҒАФУРОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти доценти, филология фанлари номзоди.

Хориждан хабарлар

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг якунлари чет эллардаги сиёсат ва жамоат арбобларининг диққат марказида турибди, оммавий ахборот воситаларининг бош мавзуси бўлиб қолмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Пленум қатнашчилари томонидан маъқулланган партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси ахборот агентликларининг шошилинч хабарларида «Қайта қуриш сиёсати ва демократиялашнинг ғалабаси» деб баҳоланмоқда. Улар партия анжуманн қабул қилган қарорларнинг тарихий аҳамиятини уқтириб, М. С. Горбачев қайта қуриш жараёнини ривожлантиришнинг ҳамма тарафдорларн ислоҳот муҳолифларн билан қийин курашда ғалаба қозондилар, деб таъкидламоқдалар. Шарҳловчилар КПСС Совет Иттифоқида сиёсий етакчи бўлиш мавқеидан воз кечаётганн йўқ, у воқеалардан орқада қолмаслик, балки улардан олдинда юриш учун янгиланишга интилмоқда, деган бир хил фикрни айтмоқдалар.

⊙ ЛОНДОН. Буюк Британия бош министри М. Тэтчер журналистлар билан учрашувда бундай деди: «Совет коммунистик партиясининг раҳбар органи Пленумида буюк қарорлар қабул қилинди. Улар бундан беш йил олдин биз хаёлимизга ҳам келтирмаган ишни қилдилар. Ҳали кўп иш қилиш керак, албатта, лекин буюк қарорлар қабул қилинди. Ҳа, буюк қарорлар».

⊙ ТОКИО. Япония бош министри Т. Кайфу бундай деди: «СССРдаги демократиялаш жараёни жаҳон ишларида, шу жумладан Совет-Америка муносабатларида мулоқот ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ҳисоблайман. Қайта қуришнинг таъсири Осиё — Тинч океан регионидаги тинчлик ва барқарорликка ҳам ижобий таъсир ўтказади, деб умид қиламан. Шу боисдан Япония КПСС Марказий Комитети Пленуми якунларини табриклайди».

⊙ МАДРИД. Испания ташқи ишлар министри Ф. Фернандес Ордоньес КПСС Марказий Комитети Пленуми якунларини «Совет кишилари учун озодлик соҳасида олға томон қўйилган қадам» деб атади. У СССРда сиёсий фикрларнинг хилма-хиллигига ўтиш «ҳаммани мамнун этмоқда» деб таъкидлади.

⊙ ПАРИЖ. «Француз коммунистлари СССРдаги демократиялаш жараёнини тўла қўллаб-қувватлайдилар, — деди Франция компартияси сиёсий бюросининг аъзоси, компартия секретари Жам-Клод Гэссо. — Михаил Горбачев билан биргаликда биз инсонпарвар ва демократик социализм учун, етакчилик ролини ўйнайдиган коммунистик партия учун курашмоқдамиз, лекин бундай роль конституцияда мустаҳкамлаб қўйилмаслиги керак. Балки одамлар билан доимий алоқа орқали амалга оширилиши лозим».

⊙ БОНН. Германия социал-демократик партияси КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини табриклайди, деди ГСДПнинг Бундестагдаги фракцияси раисининг ўринбосари Х. Эмке. Унинг гапларига қараганда, СССР коммунистларининг анжумани КПСС тарихида кескин бурилиш ясади ва аҳамияти жиҳатидан 1985 йилдаги қайта қуришни бошлаб берган апрель Пленуми билан тенглашади. СССРда давлат тузумини янада демократиялаш юзасидан муҳим қадам қўйилди. Эндиликда КПСС мамлакатга таъсир ўтказиш учун бошқа сиёсий кучлар билан баравар рақобат қилишга тайёрдир, бу эса партиянинг йўлини янада ишонарли қилади.

⊙ ВАШИНГТОН. «Пленум ўз ишини тугатди. Бу ерда бошланган янги революция Шарқий Европа бўйлаб давом этди, доира ясаб, яна бу ерга қайтиб келди, — деб таъкидлади Си-Би-Эс телекомпанияси Москвадан кўрсатган репортажида. — КПСС Марказий Комитети 72 йил давомида мавжуд бўлиб келган ҳокимиятга партия монополиясига чек қўйиш ва кўп партиявий демократия барпо этишга йўл очиш учун овоз берди».

⊙ СОФИЯ. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми, деб таъкидлади «Работническо дело» газетаси, кейинчалик совет жамиятини қайта қуриш давом этадиган ва ривожланадиган мураккаб шароитда партиянинг стратегия ва бевосита вазифаларига қарашларнинг хилма-хиллигини намойиш этди.

⊙ ПЕКИН. «СССРда рўй бераётган воқеалар — Совет Иттифоқининг ички иши», — деди Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили Цзинь Гуйхул япон журналистининг КПСС Марказий Комитетининг ўз ишини тугаллаган Пленуми натижаларини, жумладан СССРда кўп партиявий системани жорий этиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани шарҳлаб бериш тўғрисидаги илтимосига жавобан.

(ТАСС).

МИНГ МУШКУЛ ИШ ОСОН БЎЛУР

(Навоий қитъалари таҳлили)

ТУЗЛУҚ ТАЪРИФИДАКИМ, ШИОР ҚИЛҒОНҒА САЪБ ИШЛАР ОСОНДУР ВА ҚУЛЛИЙ УМУР СУҲУЛАТ БИЛА ЯКСОН

Тузлукка мойил ўлки, ишинг борғай илгари,
Юз мушкил ўлса, йўқса минг, оллингда ҳар замон.
Юз сафҳа бир қалам бирла котиб қилур рақам,
Минг қўйни бир асо била ҳар ён сурар шубон.

Тўғрилик таърифидаким, унга амал қилганга қийин ишлар осондир ва улуғ хизматлар ижроси ҳам енгиллик билан амалга ошадир.

Тўғри бўлишга ҳаракат қилсанг ишинг олға босади. Сенга юз, ҳатто минг мушкул иш рўпара бўлса ҳам ҳал қилиб кетаверасан.

Ахир: котиб бир тўғри қалам билан юзлаб саҳифаларни тўлдиради; чўпон эса тиқ таёғи билан мингта қўйни истаган томонига ҳайдайди.

ФАНО АҲЛИНИ ЎЗ ВАҚТИНИНГ ПОДШОҲИ ДЕБТУР, БАЛКИ ВАҚТ ПОДШОҲИНИ АНИНГ ГАДОЙИ

Гадолиғ яхшироқ аҳли фанодин,
Ки олам ичра қилсанг подшолиғ.
Жаҳон аҳлига, кўрким, шаҳ не айлар,
Жаҳон таркини қилғондин гадолиғ.

Дарвешни ўз даврининг подшоҳи дейди, балки замон подшоҳини унинг тиланчиси. Дарвешлар учун оламда подшолик қилишдан кўра тиланчилик қилиш афзалдир. Кўзингни очиб жаҳон элига қара: шоҳ нима қиляпти? Подшоҳ дунёдан воз кечган дарвеш олдига бориб дуо тиланмоқда.

Уч кишидин уч иш ёмон кўрунур,
Санга арз айлай аҳли дунёдин:
Шоҳдин—тундлуғ, ғанидин—бухл,
Молға майлу ҳирс — донодин.

Дунё одамларининг уч кишидан уч иш жуда ёмон кўринади: шоҳнинг ғазаби, бойнинг бахиллиги ва доно кишининг бойликка майли ва очкўзлиги.

УҒУЛҒА АНО ҲАҚҚИ ОТОДИН КЎПРОҚ ЭКАН БОБДА: АНДОҚКИ ДУРҒА ДАРЕ ТАРБИЯТИ БУЛУТДИН ОРТУҒРОҚДУР

Ано ўрнин ато тутмас ўғулға,
Ки мумкиндур ўғул бўлмоқ атосиз.
Масиҳо бирла Маръямдин қиёс эт,
Ки имкон йўқтурур бўлмоқ аносиз.

Жавоҳирни тарбиялашда булутга нисбатан дарёнинг хизмати ортиқ бўлганидек, ўғилда отага қараганда она ҳаққи кўпроқдир.

Ота ўғил учун она ўрнини босолмайди. Чунки бола отасиз бўлиши мумкин. Масиҳо билан Марямдан қиёс қилсанг бўладики, онасиз Исонинг дунёга келиши мумкин эмасди.

(Изоҳ: ислом ва христиан динлари тарихи маълумотларига қараганда, Исо Марямдан отасиз туғилган. Масиҳо — Исонинг лақаби бўлиб, тирилтирувчи, жон бағишловчи демакдир).

МАХФИЙ РОЗНИ ҲУҚҚА ИЧИНДАГИ МУШК ИСИ ДЕБТУРКИМ, ҲУҚҚА ОЧИЛСА, УЛ ИСИНИ НЕ ЙИҒИШТУРСА БЎЛУР, НЕ ЕШУРСА

Розни асра, чунки фош эттинг,
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.
Кўнглунг ичра нафас кабидур роз,
Қайтмас, кимсадин чу чиқти нафас.

Махфий сирни қутича ичидаги мушк иси демишлар, қутича очилса, унинг исини на йиғиштириб бўлади ва на яшириб бўлади.

Сирни асра. Агар айтиб қўйсанг, уни яна яшираман деб овора бўлма. Сир ўпкадаги нафасга ўхшайди: чиққан нафас ўпкага қайтиб кирмайди.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди.

● **Шарқ халқлари маданияти ва тарихида Афлотундан кейин «Иккинчи устоз» номини олган Абу Носир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлаг ибн Тархан ал-Форобийнинг ўрни катта. У риёзат, коннот, тил, шеърият, мусиқа фанларида маълуму машҳур файласуф эди. Форобий ҳақида кўплаб ривоят, афсона, ҳикоят ва латифалар тўқилган. Қуйида «Оқшом» муштарийларига буюк файласуф тўғрисидаги ривоятлардан ҳавола этдик.**

КИМ КЎП БИЛАДИ?

Ал-Форобий устози Афлотуннинг асарларини кўп ўқиб, унинг баъзиларини ёддан билган. Бир куни амир ва олимлар ундан:

— Илмни ким кўп билади, сизми ёки Афлотунми? — деб сўрашибди. Шунда у:

— Агар Афлотун ҳаёт бўлиб, у билан учрашганимда, мен унинг шогирдигагина арзир эдим, — дебди.

ЕТМИШ ТИЛ СОҲИБИ

Шом шаҳрининг амири ўз ҳузурига олим, шоирларни тўплабди. У Ал-Форобийни синамоқ бўлиб: «Ўз жойингни топиб ўтир», — дебди. Ал-Форобий тўғри амир тахтига бориб ўтирибди. Шунда амир вазирига нотаниш тилда:

— Бу турк одоб сақлашни билмас экан-ку, — дебди.

Нотаниш тилни ҳам биладиган Ал-Форобий:

— Тақсир, мен етмиш тилни биламан, — дебди.

Ноқулай вазиятда қолган амир ва халфалар: «Кечиринг из, Сизнинг иккинчи устоз эканингизни билмабмиз, — деб унга тан беришган экан.

Амир уни кейин қанча қидирса ҳам тополмабди.

ЕТИМ БОЛА

Форобий кунлардан бир куни бозорга борибди. Бўй-басти келишган, чиройли бир ёш йигит

Алломалар ҳаётидан

ФОРОБИЙ ҲАҚИДА ҲИКОЯТЛАР

КУЙ СЕҲРИ

Кунлардан бир кун Форобий амир саройига борибди. У ерга ҳакимлар, олимлар, санъаткорлар тўпланишган экан. Қипчоқча кийинган Форобий эътиборсизгина бир чеккага бориб ўтирадн. У ўзи ясаган қипчоғи (дўмбира) билан бир куй чалган экан, ўтирганлар хахолаб кулишиб, ўйинга тушиб кетишибди, иккинчи куйни чалганда, улар йиғлай бошлашибди, яна бир куйни чалган экан, беҳуш бўлиб ухлаб қолишибди. Устоз: «Бу куйларни чалган қипчоқ Ал-Форобий» деб хат ёзибди-да, ўзи саройдан чиқиб кетибди.

тиши билан мих суғуриб, томошабинларга ҳар хил ўйинларни кўрсатаётган экан. Шунда Абуносир унга яқин бориб:

— Кунига қанча ишлайсан? — дебди.

— Икки дирҳамга етар-етмас.

— Сен бу ҳунарингни ташла. Мен билан юр, ҳам ўқитаман, ҳам кунига тўрт дирҳам бераман, — деб уни уйига олиб кетибди. Бу савол-жавобни эшитган савдогар ва даллоллар:

— Бу девона, дарвеш ақлдан озибди? Қаранглар, етим болага яхшилик қилмоқчи: ҳам ўқитиб, ҳам кунига тўрт дирҳам берармиш, — деб кулишибди.

...Кейин шу бола буюк олим бўлиб етишган экан.

СОҒИНЧ СОЗИ

Абуносир Ал-Форобий Шом шаҳрида яшаган йиллари шоҳ саройида боғбонлик қилиб, бўш вақтларини шеър ёзиш билан ўтказар экан. У кунлардан бир кун қушлар сайраган боғдаги ҳовуз бўйида, бағдодий гилам устида болиш ёстиққа ёнбошлаб ётганча она юртини соғиниб кўзига ёш олибди, кўксига тушган оппоқ соқолини силаб ўтириб мана бу мисраларни қоғозга битибди:

Кетгандим мен элим сендан
Шуҳрат, бахт, тахт излаб,
Чиқдим юртим, узоқ сафар
Илм отли шаъм излаб.
Оқладим мен оқ сутингни
Келганича қўлимдан,
Саксон ёшдан ошсам ҳам
Чақалоғинг боламан.
Юзим синиқ, кўнгилсиз
Ҳолга тушдим мен бугун.
Сенинг учун оғолмайман
Интизорлик туйнугин,
Айналайин, отам қипчоқ.
Туққан ерим соғиндим.
Ўз шаънингга, ҳурматингга
Қайда юрсам сиғиндим.

Бу байтлар ҳам олим, ҳам куйчи, ҳам шоир, ҳам файласуф бобомизнинг ёши саксондан ошган чоғида туққан элига бўлган соғинч сози эди.

Қозоқчадан
Қидирбой ТЎЛАБОЕВ таржимаси.

Диққат, янгилик!

Ҳужжат тайёрлайдиган қурилма

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг хўжалик ҳисобидаги ҳисоблаш техникаси ва автоматик лойиҳа чизмакашлик бюроси олимлари томонидан яратилган ихтиро қишлоқ хўжалик ходимларига меҳнатда ёрдам беради.

Бу автоматик система қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган колхоз, совхоз ва кооперативлар ишини қисқа фурсатда планлаштиришга қаратилган. Ишлар электрон-ҳисоблаш машиналарида олиб борилади. Битта бригада, бўлим ёки хўжалик ишининг ҳужжат кўринишидаги планини олиш учун атиги 5—6 минут вақт кифоя, илгари буни тайёрлашга уч-тўрт киши бир неча кун овора бўлар эди.

Д. ЗОКИРОВА.

Советлар мамлакатида

● МИНСК. «Экситон» ёшлар илмий-техника ижодиёти маҳаллий марказининг мутахассислари яратган «Лотос» программа-техник комплекси таржимонларнинг электроника ва радиотехникага онд японча матнларни ўгиришни бир неча бор тезлаштиради. Мутахассислар япон иероглифларини компьютер учун қулай шаклда шартли ифодалашга муваффақ бўлдилар. Таржима пухта таҳрир этишга муҳтож бўлса ҳам, мазмунни аниқ белгилаб беради. Ҳозирча комплекс фақат ЕС-1841 маркали шахсий электрон-ҳисоблаш машинасига мослаштирилган ва уни қўлланиш соҳаси чекланган. Лекин аслида у ҳар қандай компьютерга улаб ишлатилиши мумкин, келгусида эса адабий матнларни ҳам ўгириш мумкин бўлади.

● ЧЕРНОВЦИ. «Большевик» колхозида баҳорда маккажўхори сеялкалари икки баравар кўп ишлатиладн. Уларни ҳеч қандай ўзгартирмай ва қайта созламай картошка экишда фойдаланишади. Ҳамма сир шундаки, деҳқонлар ғалати уруғлик материалдан фойдаланадилар. Бундай уруғлик Новоселица районидаги Бояни қишлоғида ташкил этилган Бутуниттифоқ илмий-тажриба станцияси лабораториясида олинган. Микробларсиз шароитда етиштирилган уруғлик биологик жиҳатдан соф бўлиб, касалликларга бардошли, тез униб чиқади ва ана шу хусусиятларини кўп йил давомида сақлаб қолади.

● ТОЛДИҚЎРҒОН. Уштўбе район маркази Балхаш бўйидаги саҳрода жойлашган бўлиб, у ерости соф чучук сув манбаига уланди. Берлик деган жой қаърида ерости дарёси топилган эди. Район марказидан ўша ерга ўттиз километрли қувур ётқизилди. Янги комплекс бу ерда ишлаб чиқилган «Тоза сув» программасига мувофиқ қурилди, бу программани ишлаб чиқишда табобат ходимлари фаол қатнашдилар. Программа райондаги барча аҳоли пунктларига қувурдан сув келтиришни кўзда тутади. Сўнгги йилларда юздан ортиқ қишлоқ ва овул тотли ичимлик сув билан таъминланди.

● РИГА. Бу ерда икки кунлик модалар байрами бўлиб ўтди. Унда исроиллик усталарнинг ишлари намойиш этилди. Намойишдан сўнг бир қисми кимошди савдоси билан сотиладиган кийим-кечакларнинг кенг коллекцияси орасида аёллар чўмилиш вақтида киядиган кийимлардан тортиб пўстинларгача бор эди. Кийим-кечаклар моделларини намойиш қилиш чоғида савдо-саноатга боғлиқ музокаралар олиб борилди, ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. «Совгарт» Совет фирмаси ва Исроилнинг «Интерк» фирмаси модалар байрамининг ташаббускори бўлди.

● УССУРИЙСК (Приморье ўлкаси). Приморьедаги кўпгина совхозлар ва колхозлар баҳор бошлангунга қадар ҳосилдорлик картограммалари ва ҳар бир пайкалда ҳосилни режалаштиришнинг илмий тавсияларини олади-лар. Уларни қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ўлка станциясининг мутахассислари таклиф қилдилар. Тупроқдан 15 мингтадан ортиқ намуна олиб текширилиб чиқишга тўғри келади. Берилган тавсиялар ўтган йил ёзда «Жуди» тўфони келтириб чиқарган сув тошқинидан зарар кўрган ерларнинг унумдорлигини тиклашни жадаллаштиришга имкон беради.

(ТАСС).

Китоб жавонингизга

ҚИММАТЛИ РИСОЛА

Коммунистик партия ва Совет давлати асосчиси В. И. Ленин ўзининг кўпгина асарларида социалистик контрол ҳақидаги ғояни ишлаб чиқди ва мамлакатимизда жорий этди. У контролнинг оммавий ва таъсирчан бўлишига жуда катта эътибор берган эди. Ленинча ғояларга асосланган социалистик контрол мамлакатимизда социализмнинг ғалабасини таъминлашда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг чинакам ёрдамчисига айланди. Шу нуқтаи назардан Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институти КПСС тарихи кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди Мусақул Усмоновнинг яқинда «Фан» нашриётида босмадан чиққан «Халқ контроли ва интизом» китобчаси ҳам қимматлидир. Рисолада халқ контроли органларининг давлат планлари бажарилиши ва социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ишлари қаламга олинган. Китобчада назоратчилар ишлаб чиқариш технологиясига қандай риоя этилаётгани, давлат планлари ва шартнома мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини текшириб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Унда халқ назоратчиларининг бекор туриш ва интизом бузилишларнинг олдини олиш тажрибаларига, иш вақтидан унумли фойдаланиш масалаларига ҳам кенг ўрин берилган.

Рисола халқ контроли органлари иши такомиллашувига ёрдам беради.

Т. АШРАФХОНОВ.

Суратли айбнома

ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОСТОНАСИДА









«Иш вақти», «Танаффус». Бундай лавҳаларни деярли ҳар бир муассаса ёки хизмат кўрсатиш корхонаси ойнасида, деворида, эшигида кўрасиз. «Ўз кўзингга ишонма» деганларидек, бу беҳисоб корхонаю дўконларнинг белгиланган иш вақтида эшиклари очилишига кўп ҳам умид қилаверманг. Уларнинг ходимлари айниқса кейинги пайтларда ишхоналарини хоҳлаган вақтда очиб, хоҳлаганда ёпиб кетаверадиган одат чиқардилар.

Суратқаш мухбиримиз Т. Каримов оддий иш кунида, яъни 7 февралда уйидан редакциягача бўлган йўлда учраган ёпиқ эшикларнинг кўплигидан таажжубланди. Шу сабабли уларни бирин-кетин суратга ола бошлади. Мана бу пойабзал ремонти ва сабзавот-мева дўкони Қорақамишдаги автобус бекатида жойлашган (1-сурат). Эрталаб соат 10 бўлишига қарамасдан ҳар иккаласининг эшиги қулф. Бекатдан бироз ўтишингиз билан Собир Раҳимов район озиқ-овқат савдоси 48-магазинига қарашли ичимликлар билан савдо қиладиган дўконга рўпара бўласиз. Унинг ойнасига ёпиштирилган лавҳада дўкон эрталаб соат 9 дан кечқурун 20 гача ишлаши ёзиб қўйилган (2-сурат). Бироқ соат 10 дан 20 минут ўтганига қарамасдан бу ерда савдо бошлашмабди. Айтишларича, сотувчи базага кетганмиш...

Яна ўн минут ўтгач мухбиримиз шу район 43-магазинига қарашли яна бир сабзавот ва мева дўконини эшиги олдига етиб келди (3-сурат). Афсуски, унинг эшиги ҳам берк эди. Яқин атрофдагилар дўконда мол йўқлиги учун ёпиқ, деб тушунтириш бердилар. Наҳотки бутун бошлик дўкон қуп-қуруқ бўлса.

С. Каломов кўчасидаги ушбу мебель тузатиш ва қолип тайёрлаш пункти (4-сурат) мол йўқлигидан шикоят қила олмаса керак. Ҳамшаҳарларимиз унинг хизматига муҳтожликларини гапириб ўтириш ортиқча. Бироқ соат миллари ўну қирқ минутни кўрсатаётганига қарамасдан пункт эшигидаги қулфга калит солинмади.

Йирик қулфлари узоқдан кўзга ташланадиган бу дўкон Қорақамиш массивида савдо тўкиб турибди (5-сурат). Бироқ эрталабдан бу ерга харидга келганлар орқаларига қайтишга мажбур бўладилар. Соат 10 дан 50 минут ўтганда ҳам дўконни очиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Колбаса анқонинг уруғига айланган бир пайтда шундай ихтисослашган дўконни очиш шартмиди? Дўкон очилган экан, унинг белгиланган вақтда ишлаши, колбаса билан таъминланиши чорасини ҳам кўриб қўйиш керак-да!

Қорақамиш массивида эрталабдан сочсоқолларини олиш ниятида бўлганлар ушбу сартарошхона остонасидан (6-сурат) соат 11 да ҳам ҳатлаб ўта олмадилар. Унинг сартарошлари эҳтимол биз юқорида тилга олган ёпиқ эшиклар олдида кутиб тургандирлар.


Балким улар эрталаб газета-журналлар харид қилишмоқчи бўлишгандир. Аммо «Союзпечать» дўконлари ҳам ҳамиша очиқ бўлавермайди. Масалан, Инқилоб хиёбонидаги бу дўкон (7-сурат) соат 11 дан 40 минут ўтганда қулфлоғлиқ эди.

Йўлда бундай берк дўконлар анчагина учради. Соат 11 дан 50 минут ўтганда Куйбишев шоссесидаги «Союзпечать» дўкони сотувчиси ўз хоҳишича уни беркитиб кетибди. Шу шосседа яна бир ана шундай дўконнинг ёпиқлигини кўрдик. Сағбон кўчасидаги бир «Союзпечать». дўкони бўлса 3—4 ойдан бери «дам» олмоқда. Яна қанчадан-қанча дўконларнинг қулфлигига ҳам дуч келдик.

Бундан 5—6 йил илгари хизмат кўрсатиш корхоналарининг иш вақтини аҳолига қулай қилиб белгилаш тўғрисида ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинган, унинг ижроси қатъий назорат остига олинган эди. Надоматлар бўлсинким вақт ўтиши билан бу қарорни ҳеч ким эсга олмай ҳам қўйди. Ҳозир белгиланган иш вақтида ўзингга зарур муассаса ёки корхона остонасидан ҳатлаб ўта олганингга шукур қиладиган бўлдик. Аммо интизомсиз қайта қуришни амалга ошириб бўлармикин?

Мутасадди раҳбарлар бу суратли айбнома билан танишгач, иш вақтида берк эканлигига турли баҳоналар топишларига аминмиз. Тўғри, бирор дўконнинг ёпилишига сабаб топилади. Лекин бир йўла шунча муассаса ишламаётганлиги бу якка ҳол эмаслигидан далолат бермоқда. Афтидан ҳамма гап улар устидан ҳақиқий назоратнинг йўқлигида. Ушбу дўконлардаги лавҳалар билан танишар эканмиз, уларда ҳали Тил тўғрисидаги қонунни бажаришга шошилмаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу ҳам лоқайдликнинг бир кўринишидир.

Э. МАДИЕРОВ.







Долзарб мавзуда суҳбат

«ДЕРАЗАМНИНГ ОЛДИДА БИР ТУП ЎРИК ОППОҚ БЎЛИБ ГУЛЛАДИ...»

Ўзбекистондаги жами майдонларнинг фақат 5 фоизигина боғ, узумзорлардир, дов-дарахтлар ҳам шу ҳисобга киради. Яна бозорда нарх ошиб кетяпти, деб жиғибийрон бўлиб юрамиз. Шу ерлар фақат мева ва узум етиштиришгагина хизмат қилиб қолмай, экологня вазнятини яхшилашга ҳам ёрдам бермоқда.

«Ўзбекистон» республнка давлат-кооператив бирлашмаси ўлкамиздаги мева, узум ва сабзавот етиштирадиган жуда катта бирлашмадир, Тармоқдаги ишлар аҳволи учун шу идора ходимлари зиммасига катта масъулият тушади. Ўрмон ва боғ икки ойлнги яқинлашиб келаётгани муносабати билан ЎзТАГ мухбири Г. Коваль ана шу бирлашма бош директори М. К. Камолов билан суҳбатлашди.

— **Маҳкам Камолович, хўш ҳозир ишларнинг аҳволи қандай?**

— 390 минг гектар ерда боғ ва узумзорларимиз бор. Бу Ўзбекистон учун жуда кам, албатта. Бунинг устига сўнгги йилларда боғ-роғлар майдони тобора камайиб кетаётганлиги жуда ачинарлидир. Дарахтзорлар путурдан кетган, хўжаликлар уларга дурустроқ қарамайди. Бўлар-бўлмас баҳоналар билан дарахтлар ва буталар кесиб ташланмоқда, кўчатлар парвариши ночор. Дарахтлар нобуд бўлиб кетяпти. Ҳар йили 100 миллионга яқин кўчат экилсада, шулардан нари борса 30—40 фоизи тутиб кетмоқда. Масалан, беш йиллиқнинг тўрт йили мобайнида 69 минг гектар ерда боғ ва узумзорлар вужудга келтирилган эди. Шулардан 18 минг гектаригина ҳосил беряпти.

Бунга сира тоқат қилиб бўлмайди. Республика ҳукумати 1989 йил кузи — 1990 йил кўкламида 100,7 миллион туп кўчат экишни белгилаб қўйган. Ўрмон хўжалиги давлат комитети, қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси 110 миллион туп кўчат тайёрлаб қўйди. Аммо томорқа участкалари кенгайгани ва пахта майдонлари камайганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳам кам.

— **Икки ойлик мобайнида бирлашма ходимлари нима ишлар қилишмоқчи?**

— Очиғини айтсам, аҳвол ташвишли. Дов-дарахтлар сийраклашиб қолган. Қорақалпоғистон АССРда 50 фоиздан кўпроқ, Андижон, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм областларида 20 фоиздан знёд сийраклашган. Шунинг учун ҳам икки ойлик мобайнида биз боғ ва узумзорлар қаровини яхшиламоқчимиз. Дарахтлар ғуж бўлиб ўсиши керак, бу ҳосилдорликни қўтаришнинг муҳим резервидир. Ҳозир биз ўз олдимизга ана шундай вазифани қўйдик. Шу мақсадда боғбонларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирларини кўрмоқдамиз.

Узум ҳосилдорлигини оширишнинг энг катта резервларидан бири—ток новдаларини сўриларга қўтаришдир. Тажриба шундан далолат бериб турибдики, шундай қилинса, ҳосилдорлик 1,5—2 баравар ортади. Афсуски, сўрилар ҳозирча жами узумзорларнинг 50 фоизида қўлланилмоқда. Хўжаликлар шунга мўлжалланган цемент, сим, арматурани олишга олиб, лекин бошқа ишларга ишлатиб юбормоқдалар. Жойлардаги раҳбарлар ва мутахассислар сўрилар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун барча тадбирларни кўришлари, шу мақсадга ажратилаётган ресурслардан тўлиқ фойдаланишлари керак.

Кўпгина хўжаликлар илиқ келган ноябрь-декабрь ойларида кўчат экишмади. Шунинг учун ҳам кўкламда фақат жамоат секторининг ўзидагина 14,7 минг гектар ерда боғ-роғ, 9 минг гектар ерда узумзорлар бунёд этиш керак. Бу ҳазилакам иш эмас. Шунинг учун ҳам барча кучларни сафарбар этиш, ҳаво очиқ келган кунларни ғанимат деб билиб, фойдаланиб қолиш керак.

Боғлар ва узумзорлар камида 50 гектарлик йирик массивларда бунёд этилиши лозим. Шундай қилсак, кейинчалик ихтисослашган бригадаларнинг иши осон кечади. Дарахт кўчатларини маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олиб танлаш лозим. Қайта ишлаш корхоналарининг мавжудлигини ва шу тармоқни ривожлантиришнинг истиқболларини барвақтроқ пухта режалаштириб қўйиш керак.

Аҳолига ёнғоқ, бодом, анор, анжир, уноби жийда, хурмо, қорағат (смородина) ва ҳўжағат (малина) экишни маслаҳат берамиз. Бунинг учун кўчатлар сотилади. Кўчатга эҳтиёж йил сайин ортиб бораверишини таъкидламоқчимиз, кўчатзорлар эса ҳозирнинг ўзидаёқ эҳтиёжни қондиришга қодир бўлмай қолмоқда. Демак, янги кўчатзорлар зарур.

— **Пировардида тармоқнинг истиқболи ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз.**

— Асосий мақсадимиз — аҳолини йил ўн икки ой мева билан, қайта ишловчи саноатни эса хом ашё билан таъминлашдир, бундан ташқари мамлакатнинг саноат марказлари аҳолисига ҳам шу маҳсулотлардан етказиб беришимиз керак. Бунинг учун боғ-роғларга қарашни яхшилаш, янгиларини бунёд этиш, деҳқончилик маданиятини кўтариш ва шу негизда ҳосилдорликни ошириш, етиштирилган маҳсулот сифатини яхшилаш лозим. Омборхоналар қувватини кўпайтириш, хўжаликлараро йирик пунктлар қуриш, мева ва узумни дурустроқ қайта ишлаш учун омборхоналарни замонавий ускуна билан жиҳозлаш керак. Хуллас, иш кўп. Биз ҳам шу катта юмушларга чап бермай, Ўзбекистонни витаминли маҳсулот етказиб берувчи энг йирик ўлкага айлантириш ниятидамиз.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ КУНИ

✦ «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси остонасига қадам қўйишимиз билан юқорида ёзилган сўзларга кўзимиз тушди. Қизиқ, ишчи ва хизматчилар шу кунни ишлашадими ёки фақат жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, чиниқишадими?

Биз шундай савол билан корхона жисмоний тарбия комитетининг раиси Е. Рабиновичга мурожаат қилдик.

— Бирлашмамиз ажойиб спорт анъаналарига эга, — деди Евгений Аркадьевич, — жисмоний тарбия ва спорт ишчиларимизнинг асосий ишига халақит бермайди. Чунки улар асосан бўш вақтда ва тушлик танаффус пайтларида машғул бўладилар. Асосий вазифамиз меҳнат аҳли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда спорт турларига муҳаббат уйғотиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, бирлашмада талайгина муваффақиятларга эришилмоқда. Мисол учун, футбол командаси ўтган йили Тошкент шаҳридаги жисмоний тарбия коллективлари ўртасида ўтказилган мусобақада биринчи ўринни олди. Эришилган ютуқда футболга ҳавас қўйган ишчи-хизматчилардан Одил Абдуллаев, Нарик Амирсолиев, Марат Вергазовлар катта ҳисса қўшдилар. Эркаклар ва аёллар волейбол командалари ҳам яхши натижаларни қўлга киритишаяпти. Цехлар ўртасида спорт турлари бўйича мунтазам беллашувлар ўтказилаётгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчи эдик. 23-цех аҳли футбол баҳсларига иштиёқ билан қатнашишмасди. Шу цехга М. Шарафутдинов бошлиқ қилиб тайинланган қизиқувчилар кўпайиб кетди. Демак, спортнинг жонланиши раҳбарга ҳам боғлиқ экан.

Энди, шундай савол туғилади: ҳозирги қиш кунларида ишчи-хизматчилар спорт билан қаерда шуғулланадилар? Ёпиқ спорт зали борми? Ҳозирча корхонанинг ўзида бундай имконият йўқ. Аммо шу атрофда жойлашган 11-махсус ҳунар-техника билим юртининг спорт зали ижарага олиниб, ишқибозлар енгил атлетика ва мини-футбол машғулотларига қатнашмоқдалар. Саломатлик группаси аъзолари эса иккита ёпиқ ҳавзада чиниқишаяпти.

Яқинда бирлашма спорт комитети муҳим масалани кўриб чиқди. Шу йилдан бошлаб ҳар бир цех ёки кооперативга кичик бўлса ҳам спорт зали қуриш, агар бунга имконият бўлмаса руҳий енгилаштирувчи хоналарни жиҳозлаш вазифаси қўйилди.

С. ОРИПОВ.



СОҲИЛДА.

Л. Гусейнов сурат лавҳаси.

БУ ВОҚЕА XX асрнинг бошларида рўй берган эди. Жаҳон чемпиони Ласкер ва Капабланка Нью-Йоркдаги шахмат клубларининг бирида ажойиб позициялардан бирини таҳлил қилишарди. Ярим соатча вақт ўтдиями улар якуний бир хулосага келишолмади.

Шу пайт яхши кийинган бир йигит келиб, Ласкернинг ёнига ўтирди-да, унинг фикрларига қарши чиқа бошлади. Капабланка эса анграйганча бу йигитдан кўзини узмай ўтираверди. Ласкер янги суҳбатдошининг ноҳақлигини исботлагач, у чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шу пайт Капабланка Ласкердан:

— Унинг исм-фамилияси нима? — деб сўради.

— Мен биринчи бор кўриб турибман. Сизнинг дўстингиз бўлса керак деб, ўзимни яқин олаётган эдим, — деб жавоб берди Ласкер.

1911 ЙИЛДА Сан-Себастьянда ўтказилган турнирга машҳур гроссмейстрлар таклиф қилиниб, улар орасида Европада унчалик танилмаган Капабланка ҳам бор эди. Бернштейн ва Нимцович уни гроссмейстр гуруҳига нолийиқ билиб, бу турнирда ўйнашига қатъий қаршилик билдирдилар. Шунга қарамай у қатнашчилар орасидан жой олади.

ШАХМАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Биринчи турда Бернштейн ва Нимцович ўзаро енгилгина бир партия ўйнадилар. Ўйинни кузатиб турган Капабланка бир юриш устидан танбеҳ беришга журъат этди. Нимцович уни менсимагандек гапини бўлиб юборди. Қизишиб кетган Капабланка Нимцовичга дов бериб, бир неча партия ўйнашни таклиф қилди ва барчасида осонгина устунликка эришди. Келаси куни эса Бернштейн адабини еди. Биринчи турда Капабланка галаба қозониб, шу партияси учун яхшигина мукофотга сазовор бўлди.

1929 ЙИЛИ Берлиндаги халқаро турнирда, Рубенштейн Маршалл билан бўлган учрашувда ёмон аҳволга тушади. У навбатдаги юриш устида чуқур ўйга чўмиб, ўйин вақти тугаганини сезмай қолди.

Ҳакам огоҳлантирганидан сўнг:

— Узр, — деди-ю, пальто ва шляпасини олиб турнир ўтаётган зални тарк этди.

Тоҳир МУҲИТДИНОВ тайёрлаган.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 15 февралда чиқади.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Чинакам халқ педагоглари бошларида қилич ўйнатиб турганларида ҳам ўқитишни давом эттирганлар. Уларнинг ўз «дорилфунунлари» бўлган. Не бахтки ана шу зиё даргоҳлари ҳанузгача ишлаб келмоқда.

ДАСТАВВАЛ «НУР», КЕЙИНЧА «ЗИЁ» НОМИ БИЛАН ЮРИТИЛГАН БИЗНИНГ ТИЛ ВА ЁЗУВ УРГАТУВЧИ КООПЕРАТИВИМИЗ ЭНДИ

«СОТИМХОН» ДЕБ АТАЛАДИ.

У ЭНГ АВВАЛ «ХАЛҚ ДОРИЛФУНУНЛАРИ» ҚУДРАТИГА ТАЯНАДИ ВА ЯШИРИН ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИНИНГ ЁРУҚҚА ЧИҚИШЛАРИ УЧУН ЁРДАМ БЕРАДИ.

«СОТИМХОН» — қисқартма сўз (аббевиатура) бўлиб, «Совет Иттифоқи Меҳнаткашларининг Хоҳиш, Орзу, Ниятлари» деган маънога эга. Модомики, савод чиқариш ва тил ўрганиш кўп миллатли Иттифоқимиз меҳнаткашларининг «хоҳиш, орзу, ниятлари» экан, «Сотимхон» бу хайрли ишга жону дили билан кўмаклашади: ўқитади, саводли кишиларни бирйўла (экстерно) имтиҳон қилиб, саводини тасдиқловчи «Гувоҳнома» беради.

ЎҚИШ ВА ИМТИҲОН ҲАҚИ — ЭЛ ҚАТОРИ.

«СОТИМХОН» — Ўзбекистон Халқ таълими министрлиги республика ўқув-методик маркази ҳамда Тошкент Давлат дорилфунуни Шарқ факультети билан мустаҳкам ҳамкорликдаги ягона зиё даргоҳи. Маърифат нуру зиёсига ташна кишилар учун «Сотимхон» бағри ҳамиша очиқ.

Мурожаат учун адрес: 700003, Тошкент 3, (Бешёғоч), Арпапоя кўчаси, 9 «а»-уй.

«СОТИМХОН» кооперативи.

Телевизор эгалари диққатига!

Агар янги телевизор сотиб олган бўлсангиз, «ОРБИТА-СЕРВИС» шаҳар техника марказидан мутахассис таклиф қилишни унутманг. Ў телевизорга сифатли техник хизмат кўрсатади, зарур бўлса дециметрли диапазон приставкасини ўрнатади, видеомагнитофон билан бирлаштириш қурилмасини ўрнатиш юзасидан тавсиялар беради.

Мутахассисни 46-98-15 телефони орқали чақириш ёки қуйидаги адресга бориб таклиф қилиш мумкин: Студентлар шаҳарчаси, «Орбита-сервис» филиали («Нукус» кинотеатри яқинида).

«Орбита-сервис» Тошкент шаҳар техника маркази.

Пепси-кола— бутун жаҳонга машҳур ичимлик



Пепси-кола ташналикни қондиради, тетиклаштиради, бардам қилади. Пепси-колани совитиб ичилса, у айниқса ёқимли ва лаззатли бўлади.

Қибрай чанқовбосди ичимликлар комбинати.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

«Мактабгача тарбия муассасаларида тарбиячи» мутахассислиги бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМГА

1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳужжатлар I турга 1 апрелдан 30 апрелгача, II турга 3 майдан 30 майгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 МАЙДАН ВА 1 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ИФОДАЛИ ЎҚИШ, МУСИҚАНИ ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ, ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (иншо), СССР ТАРИХИ (оғзаки).

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат (асли), 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха, 4 дона фотосурат (3x4 см).

Мурожаат учун адрес: 700187, Тошкент шаҳри, Краснов-восточная кўчаси, 112-уй (49, 63, 73, 89, 112-автобусларнинг «1-Қорасув» бекати).

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

3 ОЙЛИҚ ВА 5 ОЙЛИК ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсига қабул қилинганлар саҳна нутқи ва ҳаракати, клуб сценарийси ва режиссураси, актёрлик маҳорати ва режиссура (масал, ҳикоя, шеър, рақс, қўшиқ, этюд, монолог, драматик асар таҳлили ва театршунослик асослари) СССР тарихи, иншо ёзиш малакасини ошириш машғулотлари бўйича тайёрланади.

Практик машғулотлар катта саҳналарда Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларида қатнашган ҳолда олиб борилади.

Машғулотларни Маданият институтининг ўқитувчилари ва Ўзбекистон телевидениесининг етакчи режиссёрлари олиб борадилар.

МАШҒУЛОТЛАР КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРДА 15 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

Қабул ҳар куни соат 17 дан 21.00 гача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар маданият саройи, 2-қават, 90-хона, метронинг «Чкалов» станциясигача борилади. Телефон 96-55-81.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

10-синфни тамомлаган ҳамда Совет Армияси сафидан қайтган ёшларни Тошкент чинни заводининг янги қурилган қисмида ишлаш учун

ҚИСҚАРТИРИЛГАН ГРУППАЛАРГА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Чинни буюмларнинг шаклини тайёрловчилар; қуйиш йўли билан чинни маҳсулотларини тайёрловчилар; чала пиширилган чинни буюмларга ишлов берувчилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 10-СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга қабул қилинганларга 70—80 сўм миқдорида стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ариза, паспорт (кўрсатилади), турар жойидан справка, маълумот ҳақида гувоҳнома, медицина справкаси (086/У форма), 3x4 см, катталикдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчаси, таржимаи ҳоли, ҳарбий билет ёки гувоҳнома (йигитлар учун).

ЎҚИШ ГРУППАЛАР ИИҒИЛИШИ БИЛАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик (100, 59, 76, 166-автобусларнинг «Қўштут» бекати). Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

«СОВПЛАСТИТАЛ» Совет-Италия қўшма корхонаси ҳузуридаги

42-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990 йил учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти «Пластмасса қуювчи» ихтисоси бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН — 6 ОЙ.

Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, Тошкент шаҳрида пропискада турувчи 25 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилинади.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини тамомлаганлар «ПЛАСТМАССА ҚУЮВЧИ» касби бўйича диплом оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Таълим даврида ўқувчилар ойига (дастлабки икки ой мобайнида) 99 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида (ўқишнинг қолган тўрт ойи мобайнида) ўқувчиларга стипендияга қўшимча равишда ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар келгусида ишни давом эттириш учун «Совпластитал» Совет—Италия қўшма корхонасига юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ соат 9 дан БОШЛАБ 16.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: паспорт, маълумот ҳақидаги аттестат, саломатлик ҳақида справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3x4 см).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Киров райони, Жаҳон Обидова кўчаси, 70-уй (8, 9, 60, 51, 72, 67, 91, 92, 156, 165-автобуслар; 2, 16, 22, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефонлар: 34-57-13, 34-37-12.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва белул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгалаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларнинг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар «И. Ганди» номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилактоpийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан таъдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3x4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3; 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Спорт давлат комитети

«ЎЗСПОРТКОНЦЕРТ» БИРЛАШМАСИ

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА

23 ФЕВРАЛЬ СОАТ 18.00 ДА,
24, 25 ФЕВРАЛЬ СОАТ 14 ВА 17.00 ДА

БИРИНЧИ МАРТА

«ШАРҚНИНГ ЖАНГОВАР САНЪАТИ» КАТТА СПОРТ ШОУ-ПРОГРАММАСИ

— ТАЭКВОН-ДО,
— КАРАТЭ-ДО,
— АЙКИ-ДО,
— ДЗЮ-ДО,
— У-ШУ.

ПРОГРАММАДА, шунингдек НАРГИЗА ЗОКИРОВА, РУСТАМ ШАРИПОВ ва «БАЙТ», «БОЛАЛАР» группалари, «САТУРН» рақс группаси иштирок этади.

Программада қатнашиш учун спонсорлар таклиф қилинади.

БИЛЕТЛАР СПОРТЛОТО ДЎКОНЧАЛАРИДА СОТИЛАДИ.

Маълумотлар учун телефон — 39-47-22.

Томошабинларга томошалар бошланишига бир соат қолгунга қадар ва томошалар тугаши билан метронинг «Пахтакор» станцияси — «Юбилей» марказий спорт саройи ўртасида транспорт хизмати кўрсатилади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

22, 23, 24, 25 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17 ВА 20.00 ДА

Чимкентлик замонавий куй ва қўшиқлар ижрочиси

РУСТАМ ҒОИПОВ БОШЧИЛИГИДАГИ

«НУР» ГРУППАСИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

КАССА СОАТ 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Телефон 45-93-12.

Ўзбекистон Маданият фонди

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26—27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ГЎЗАЛЛАРГА МЕН ҲАМ ШАЙДОМАН» ҚЎШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

— «КАМОЛОТ-89» жумҳурият конкурсининг совриндори


МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ

«ТОШКЕНТ МАЛИКАСИ» конкурсининг ғолиби

НАРГИЗА ОЛИМОВА

— «ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг совриндори —

СИЗ СЕВГАН СЎЗ УСТАЛАРИ



ва

КИМЛИГИНИ ЎЗИНГИЗ ТОПИНГ.

«КАМОЛОТ-89» ва «ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият конкурсининг рамзий иштирокчиси

ДОСТОН УБАЙДУЛЛАЕВ

ПРОГРАММАНИ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Гулчеҳра ва Лутфулла САЪДУЛЛАЕВлар олиб борадилар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Кечадан тушган маблағни иштирокчиларнинг Ўзбекистон Маданият фондига тортиқлари деб билурсиз.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-93-63, 39-42-68.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилмоқда.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/II да **Петр Биринчи** (19.00), 14/II да **Оққуш кўли** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/II да **Ҳамзанома** (19.00), 14/II да **Куёв** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/II да **Концерт** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/II да **Парвона** (19.00), 14/II да **Келинлар қўзғолони** (19.00).

КИНО

13 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИЧКИНА ГУВОҲ» (Ҳиндистон, ўзбек тилида, катта зал, 18.30, 20.45); **«КИЧКИНА ГУВОҲ»** (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ЕЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (17, 19, 20.45).

Восток — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (18.30, 20.45).

Москва — «ОШИҚ КИШИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги— «ЕТОҚЛИ ВАГОН» (жуфт соатларда).

К. Ёрматов номли — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (17, 19, 21.00).

М. Шайхзода номли — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОШИҚ КИШИ» (тоқ соатларда).

14 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИЧКИНА ГУВОҲ» (Ҳиндистон, ўзбек тилида, катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); **«КИЧКИНА ГУВОҲ»** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЕЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Восток — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ОШИҚ КИШИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги— «ЕТОҚЛИ ВАГОН» (жуфт соатларда).

К. Ёрматов номли — «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

М. Шайхзода номли — «СЕВГИН ВА ИШОНГИН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОШИҚ КИШИ» (тоқ соатларда).

Тошкент шаҳар 129-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Ризаев Рустам Аҳмеджанович** номига берилган 637610 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, 12-ҳунар-техника билим юрти томонидан **Пошохонов Шуҳрат Шокирович** номига берилган 209699 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03104

Тираж: 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1. 2. 3. 4. 5. 6. 7. 8. 9. 10.